

УДК: 005.5:677

**А.Ж. Абдуллоев****БухДУ, "Иқтисодиёт" кафедраси мудири,  
профессор, и.ф.ф.д. (PhD)**

## АГРОКЛАСТЕР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада агрокластерлар фаолиятини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асослари таҳлил қилиниб, уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган

**Калит сўзлар:** кластер, агрокластер, бошқарув, кластерли бошқарув, рақобатбардошлиқ, глобал рақобатбардошлиқ, ихтисослашув, интеграция, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги

### **Кириш**

Ҳар бир соҳада бўлган сингари аграр соҳада ҳам хўжалик юритиш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини мунтазам баҳолаб бориш талаб этилади. Бунда хўжалик юритиш фаолиятини бошқариш жараёнида қабул қилинаётган қарорларнинг қанчалик тўғри ва аниқ мақсадга йўналтирилганлиги билан биргаликда, мавжуд муаммоларни ҳам аниқлашга эришилади. Иқтисодий адабиётда хўжалик юритиш фаолияти самарадорлиги бошқарув қарорларининг қанчалик тўғри қабул қилинганлиги билан ўзаро боғлиқ жараён эканлиги ҳақида турли илмий қарашлар шаклланган.

### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Агрокластерфаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришга оид илмий-назарий қарашларнинг ривожланиш босқичлари, агрокластерлар бошқарувида инновацион лойиҳалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва унга таъсир этувчи омиллар, агрокластер бошқарувининг услубий асосларини такомишиллаштиришнинг устувор йўналишлари узок хорижлик Р. Клаудио, Р.Г. Купер, М. Делгадо, Д. Долореукс, И. Лаур, Г. Линден каби иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топади.

### **Тадқиқот усуслари.**

Тадқиқот жараёнида гурухлаш, тизимли ёндашув, назарий ва амалий ўрганиш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил усуслари қўлланилган

### **Таҳлил ва натижалар**

Бошқарув самарадорлигини баҳолашга қаратилган аксарият илмий тадқиқотларда корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолияти натижалари билан баҳоланган. Жумладан, А. Земцов бошқарув самарадорлигини баҳолашда статистик усувлардан фойдаланиб, уни аниқлашда харажатларнинг ўзини-ўзи қоплаши учун талааб этиладиган давр билан рентабеллик даражаси ўртасидаги боғлиқликни исботлашга ҳаракат қилган.<sup>1</sup> Олим ўз тадқиқотларида иқтисодиётнинг турли тармоқлари, жумладан аграр соҳада амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар фаолияти самарадорлигини баҳолашга устуворлик қаратилади. Қишлоқ хўжалигига ташкил этилаётган агрокластерлар ҳам инвестицион лойиҳа сифатида баҳоланади. Умумий ҳолда, олим томонидан таклиф этилаётган баҳолаш услубиётида соф дисконтланган даромад қиймати орқали бошқарув самарадорлигини баҳолашга ҳаракат қилинган. Таклиф этилган баҳолаш услубиётида бошқарув қарорларини

<sup>1</sup> А.В.Земцов. Оценка эффективности инвестиционного проекта / А.В.Земцов // Банковское кредитование. – 2008. – № 6. – С. 84-98.

қабул қилишдаги рисклилилк ва ноаниқлилк даражасининг инобатга олинмаганлиги унинг камчилиги сифатида намоён бўлади.

В.В. Моисеев эса агрокластерлар бошқарув самарадорлигини баҳолашда уни ривожланиш салоҳиятини ўзида акс эттирувчи қуидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати;
- асосий ишлаб чиқариш воситаларининг модернизацияланиш коэффициенти;
- соғ фойда ҳажми;
- агрокластернинг ишчи кучи салоҳияти ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси;
- ўрганилаётган агрокластернинг рентабеллик даражаси.<sup>1</sup>

Юқоридаги бошқарув самарадорлигини баҳолаш бўйича келтириб ўтилган услубий ёндашув агрокластер ташкил этилгандан кейинги даврдаги маҳсулот ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти юритишнинг молиявий кўрсаткичларидағи ўзгаришлар орқали изоҳланганлигини кўришимиз мумкин. Агрокластер фаолияти қишлоқ хўжалигини ривожланиши билан боғлиқ бўлган ҳудуднинг экологик ва ижтимоий ҳолатининг хўжалик фаолияти юритишга бўлган таъсири инобатга олинмаганлиги ушбу ёндашувнинг комплекслиги жиҳатидан аҳамиятини бироз пасайтиради.

В.Ю. Чернишев фикрича, “хўжалик юритувчи субъектлар бошқаруви самарадорлигини комплекс баҳолашда қабул килинган қарорлар натижаларига эътиборни қаратиш зарур. Бошқарув самарадорлигини баҳолаш борасидаги ёндашувнинг тўғри танланиши мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш орқали уларни зудлик билан бартараф этиш имконини беради”<sup>2</sup>. Иқтисодий адабиётда агролкастерлар бошқаруви самарадорлигини баҳолашдаги аксарият ёндашувлар тадқиқот обьектидан келиб чиқсан ҳолда шакллантирилганлиги таклиф этилшан ёндашувлар тўлиқ бошқарув самарадорлини баҳолаш имконини бермаганлигига сабаб бўлади.



**1-расм. Инвестицион лойиха сифатида агрокластер бошқаруви самарадорлигини тавсифловчи омиллар<sup>3</sup>**

<sup>1</sup> В.В.Моисеев. Оценка инвестиционных процессов в отраслях АПК[Электронный ресурс] / В. В. Моисеев, А.В.Моисеев, М.А.Оスマловская //Научный журнал КубГАУ. – 2015. – № 111(07). – Режим доступа:<http://ej.kubagro.ru/2015/07/pdf/85.pdf>.

<sup>2</sup> Чернышев В.Ю. Методические подходы к оценке эффективности управления предприятием // ЭКОНОМИНФО. 2010. № 13. с. 44-48

<sup>3</sup> Виленский, П. Л. Оценка эффективности инвестиционных проектов: теория и практика / П. Л. Виленский, С. А. Смоляк, В. Н. Лившиц. – М.:Дело, 2008. – 1104-с.; Басовский, Л. Е. Экономическая оценка инвестиций / Л. Е. Басовский, Е. Н. Басовская. – М.: ИНФРА-М, 2007. – 241-с.; Критерии и показатели технико-экономической эффективности инвестиционных проектов [Электронный ресурс]. – Режим доступа:[http://edu.dvgups.ru/metdoc/ekmen/etr/ek\\_tr/metod/gusarov/frame/1\\_1.htm](http://edu.dvgups.ru/metdoc/ekmen/etr/ek_tr/metod/gusarov/frame/1_1.htm); Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов / Министерство экономики РФ,

Жумладан, агрокластер фаолиятини ташкил этиш инвестицион дастур сифатида намоён бўлган. Шу сабабли айрим иқтисодчи олимлар агрокластерлар бошқаруви самарадорлигини баҳолашда инвестицион лойиҳа нуқтаи назаридан ёндашганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур ёндашувда инвестицион лойиҳа сифатида ташкил этилган агрокластер фаолиятини бошқариш ишлаб чиқариш, лойиҳага капитал қўйилмаси, инвестицион лойиҳа, ижтимоий ва экологик омиллар сифатида самарадорлиги баҳоланган (1-расмга қаранг).

Ишлаб чиқариш омили бўйича агрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳолашда даромад, фойда, меҳнат унумдорлиги ва қўшилган қиймат индексларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари бошқаруви самарадорлигининг интеграл индекси юқоридаги тўрт кўрсаткичнинг ўрта арифметигини ҳисоблаш орқали баҳоланади.

Кейинги омил сифатида капитал қўйилмаси баҳоланади. Бунда агрокластер фаолиятини ташкил этишга қўшимча жалб қилинган молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги баҳоланади. Яъни, қўшимча жалб этилган молиявий ресурслар ҳисобига ташкил этилган агрокластер фаолияти ҳисобига қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги баҳоланади. Бунда агрокластер ташкил этилишидан аввалги ва кейинги ҳолатдаги эришилган натижалар қиёсий таққосланади. Мазкур омил асосида агрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳолашда қўйидагиларга эътибор қаратилади:

- агрокластер таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектларининг рентабеллиги даражасининг агрокластер таркибига қўшилишидан аввалги ва кейинги ҳолати қиёсий таққосланади;

- капитал қўйилмалари қопланишининг норматив муддати. Бунда агрокластер ташкил этилган кейинги даврда ялпи ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгаришлар ҳисобига жалб этилган инвестицион маблағларнинг қопланиш муддати баҳоланиб, капитал қўйилмасини қоплаш муддати бўйича режа тузилади. Агрокластерни бошқариш жараённида эришилган амалий натижаларнинг режага қанчалик мос келиши бошқарув самарадорлигини намоён этади.

Инвестицион лойиҳа нуқтаи назаридан вгрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳолаш. Бунда аксарият бозор иқтисодиёти шакланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда агрокластер фаолияти инвестицион лойиҳа сифатида ташкил этилаётганлигини инобатга олинган. Бунда жалб этилган инвестициялар ҳисобига эришилган ялпи ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгаришлар инобатга олинади.

Агрокластер бошқаруви самарадорлигини ижтимоий омилларга устуворлик қаратилган ҳолда баҳолашда қўйидаги кўрсаткичларга эътибор қаратилади:

- агрокластер ташкил этилгандан кейинги даврда унинг таркибига кирувчи корхоналардаги ҳар бир ёлланма ишчига тўғри келадиган ўртача иш хақи миқдоридаги ўзгаришлар;

- агрокластер таркибига қўшилгандан кейинги даврда қишлоқ хўжалиги субъектлари учун ажратилаётган солиқ имтиёzlари. Яъни, агрокластер таркибига қўшилиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги субъектларига нисбатан қўлланилаётган солиқ имтиёzlари улар иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминлашга хизмат қилиши зарур.

- инвестицияларни ўзлаштириш самарадорлиги. Бунда инфляция шароитида инвестицион лагни инобатга олган ҳолда инвестицияларни ўзлаштириш муддатида агрокластер даромадининг ўсиш суръати баҳоланади. Яъни, агрокластерни ташкил этиш учун ажратилган инвестицион лойиҳа бюджетининг белгиланган муддатда ўзлаштирилиши барча харажатларни қоплаш учун етарли бўлиши назарда тутилади.

Қишлоқ хўжалиги фаолияти мамлакат ёки худуддаги атроф-муҳит ва экологик вазиятлар билан узвий боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, инвестицион лойиҳа сифатида ташкил этилган агрокластер бошқаруви самарадорлигини экологик омиллар нуқтаи назаридан баҳолаш талаб этилади. Бунда киритилган инвестициялар ҳисобига атроф муҳитга етказилаётган зарап ҳажмининг қисқариши баҳоланади.

Агрокластер фаолияти турли қишлоқ хўжалиги субъектлари ва бошқа тармоқ вакиллари ўртасидаги чукур интеграцион муносабатларга асосланганлигини, жумладан, тараққий этган ва жадал ривожланиш тенденциясига эга бўлган мамлакатлар иқтисодиётида инновацион ривожланишга устуворлик қаратилаётганлиги иқтисодиётнинг реал сектори билан илм-фан соҳаси ва таълим хизматлари ўртасидаги интеграцион муносабатларни тобора чукурлаштириб бораётганлигини инобатга олган ҳолда, М. Делгадо<sup>1</sup>, И. Лаур<sup>2</sup>, С.А. Туменова<sup>3</sup>, Е.А. Городецкий<sup>4</sup>, А.В. Ильин<sup>5</sup>, Т.Х. Созаева<sup>6</sup>, С.Н. Семенов<sup>7</sup> каби иқтисодчи олимлар агрокластер бошқаруви самарадорлигини аниқлашда синергетик самарани баҳолашга эътибор қаратганлар. Таҳлилларга кўра, синергетик ёндашув асосида агрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳолашда қуидаги кўрсаткичларга асосланилган:

- агрокластер таркибида киравчи қишлоқ хўжалиги субъектлари даромадлари ҳажмининг ортиши;
- агрокластер таркибида киравчи қишлоқ хўжалиги субъектларининг харажатлари ҳажмининг пасайиши;
- агрокластер таркибида қўшилганлиги ҳисобига қишлоқ хўжалиги субъектлари учун қўлланиладиган солиқ имтиёзларининг ортиши;
- қўшимча инвестицияларни жалб қилиш имкониятининг ортиши.

Таҳлилларга кўра, агрокластер бошқаруви самарадорлигини синергетик ёндашув асосида баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар агрокластер таркибида киравчи корхоналар ўртасидаги ресурс тақсимотини оптималлаштириш, жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида техник-технологиялардан самарали фойдаланиш ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига хўжалик юритиш фаолиятидаги тенденцияларни аниқлашга қаратилган. 2-расмда агрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг синергетик ёндашуви таркибий тузилиши келтириб ўтилган.

<sup>1</sup>Delgado M., Michael E. Porter and Stern S. Clusters and Entrepreneurship. Journal of Economic Geography, 2010. Vol. 10, Issue 4. pp. 495-518

<sup>2</sup>Laur I., Klofsten M. and Beinkowska D. Catching Regional Development Dreams: A Study of Cluster Initiatives as intermediaries // European Planning Studies: Taylor & Francis (Routledge) – 2012. – № 20 (11). – 22 p. URL: <https://www.diva-portal.org/smash/get/diva2:545594/FULLTEXT01.pdf>

<sup>3</sup> Туменова С.А., Расумов В.Ш. Модели развития интеллектуального капитала в региональном инновационном кластере // Экономика и предпринимательство – 2022. – № 5. – с. 391-394

<sup>4</sup> Городецкий А.Е., Караваева И.В., Лев М.Ю. Экономическая безопасность России в новой реальности. // Коллективная монография. – М.: ИЭ РАН, 2021. – 325 с.

<sup>5</sup> Ильин А.В. Формирование механизма интеграции предпринимательских структур в аграрном секторе экономики // Социально-экономических явления и процессы. – 2012. – № 2. – с. 57-62

<sup>6</sup> Созаева Т.Х., Туменова С.А. Проблемы развития интеграционных процессов в южном макрорегионе // проблемы и перспективы социально-экономического и научно-технологического развития южных регионов: Материалы Всероссийской научной конференции. Ростов-на-Дону: Южный научный центр РАН. 2009. – с. 303-305

<sup>7</sup> Семенов С.Н., Рубцова В.Н., Ржевская М.Я. Вопросы кластерной теории агропромышленной интеграции в управлении устойчивым развитием АПК и сельских территорий // Научное обозрение: теория и практика. – 2021. – № 1. – с. 219-247.



**2-расм. Агрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг синергетик ёндашув таркибий тузилиши<sup>1</sup>**

Синергетик ёндашув асосида агрокластер бошқаруви самарадорлигини қўйида келтириб ўтилган (1) формула орқали баҳоланади:

$$SS_{ABS} = Iqt_s + Ijt_s + Eko_s - SJ_k \quad (1)$$

Бу ерда:

$SS_{ABS}$  – агрокластер бошқарувининг синергетик самарадорлиги кўрсаткичи;

$Iqt_s$  – агрокластер бошқарувининг иқтисодий самарадорлиги;

$Ijt_s$  – агрокластер бошқарувидаги ижтимоий самарадорлик;

$Eko_s$  – агрокластер бошқарувидаги экологик самарадорлик;

$SJ_k$  – агрокластер бошқарувидаги салбий кўрсаткичлар.

Замонавий менежмент назарияларида бошқарув самарадорлигини баҳолашда хўжалик фаолияти юритишнинг якуний натижаларини таҳлил қилишга устуворлик қаратилинади.<sup>2</sup> Жумладан, бугунги кунга қадар иқтисодий адабиётда барча турдаги корхона ва ташкилотлар бошқаруви самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи ягона ёндашув тўлиқ шаклланиб улгурмаган.<sup>3</sup> Бунинг сабаби ҳар бир мамлакат ижтимоий-

<sup>1</sup> Delgado M., Michael E. Porter and Stern S. Clusters and Entrepreneurship. Journal of Economic Geography, 2010. Vol. 10, Issue 4. pp. 495-518; LaurI., KlofstenM. and BeinkowskaD. Catching Regional Development Dreams: A Study of Cluster Initiatives as Intermediaries // European Planning Studies: Taylor & Francis (Routledge) – 2012. - № 20 (11). – 22 p. URL: <https://www.diva-portal.org/smash/get/diva2:545594/FULLTEXT01.pdf>; Туменова С.А., Расумов В.Ш. Модели развития интеллектуального капитала в региональном инновационном кластере // Экономика и предпринимательство – 2022. – № 5. – с. 391-394; Городецкий А.Е., Караваева И.В., Лев М.Ю. Экономическая безопасность России в новой реальности. // Коллективная монография. – М.: ИЭ РАН, 2021. – 325 с.; Ильин А.В. Формирование механизма интеграции предпринимательских структур в аграрном секторе экономики // Социально-экономических явлений и процессы. – 2012. – № 2. – с. 57-62; Созаева Т.Х., Туменова С.А. Проблемы развития интеграционных процессов в южном макрорегионе // проблемы и перспективы социально-экономического и научно-технологического развития южных регионов: Материалы Всероссийской научной конференции. Ростов-на-Дону: Южный научный центр РАН. 2009. – с. 303-305; Семенов С.Н., Рубцова В.Н., Ржевская М.Я. Вопросы кластерной теории агропромышленной интеграции в управлении устойчивым развитием АПК и сельских территорий // Научное обозрение: теория и практика. – 2021. – № 1. – с. 219-247. маълумотлари асосида тузилган.

<sup>2</sup> Степанов А.С. Методика и критерии оценки эффективности управления хозяйственной деятельностью производственной организации // Вестник ПАГС. 2015. № 3(48). – с. 141-147

<sup>3</sup> Яркина Н.Н. Теоретические аспекты оценки эффективности управления предприятием // Проблемы экономики. 2014. № 3. – с. 279-285

иқтисодий жиҳатдан ривожланиш бўйича ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан изоҳланади.



**3-расм. Агрокластер бошқаруви самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиёти<sup>1</sup>**

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда агрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг миллий услубиётини ишлаб чиқиши зарур, деган хуносага келинди. Бунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва ушбу соҳани ривожлантириш бўйича давлат томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларига асосланиш талаб этилади. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, агрокластер бошқаруви самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиётини шакллантиридик (3-расмга қаранг). Бунда ташкилий-ишлаб чиқариш, ижтимоий-иктисодий, молиявий-инвестицион ва табиий-экологик самарадорликни кўрсаткичларидан фойдаланилди.

Таклиф этилаётган услубиёт асосида агрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳолашда ташкилий-ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи хўжалик юритиши субъекти бошқарув амалиёти билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги ўзаро боғлиқликка асосланилган. Бунда ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришда моддий ресурслардан, жумладан, асосий фондлардан фойдаланиш ҳолати таҳлил этилади ва куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилди:

- асосий фондлар рентабеллиги даражасининг ўсиш коэффициенти;
- харажатлар рентабеллигининг ўсиш коэффициенти;
- ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш коэффициенти;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ҳажми рентабеллигининг ўсиши коэффициенти;
- агрокластер фаолиятининг рентабеллик коэффициенти.

#### 1-жадвал

**Агрокластер бошқаруви самарадорлигини ташкилий-ишлаб чиқариш ёндашуви асосида баҳолаш<sup>2</sup>**

Кўрсаткич	Ҳисоблаш формуласи	Формула таркибий тузилиши тавсифи
Асосий фондлар рентабеллиги даражасининг ўсиш коэффициенти	$K_{AFR} = \frac{MSD_i}{AFQ_{i(rt)}} : \frac{MSD_{i-n}}{AFQ_{i-n(ort)}}$	$MSD_i$ – хисобот даврида маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳажми; $MSD_{i-n}$ – Базис даврда маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳажми;

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилган

<sup>2</sup>Муаллиф томонидан тузилган

		$AFQ_{i(o'rt)}$ – ҳисобот даврида асосий фондларнинг ўртача қиймати; $AFQ_{i-n(ort)}$ – ҳисобот даврида асосий фондларнинг ўртача қиймати
Харажатлар рентабеллигининг ўсиш коэффициенти	$K_{XR} = \frac{MSD_i}{IChX_i} : \frac{MSD_{i-n}}{IChX_{i-n}}$	$IChX_i$ – ҳисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми; $IChX_{i-n}$ – базис даврдаги маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми
Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш коэффициенти	$K_{IChM} = \frac{IChM_i}{IChM_{i-n}}$	$IChM_i$ – ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми; $IChM_{i-n}$ – базис даврдаги ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми
ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ҳажми рентабеллигининг ўсиши коэффициенти	$K_{TR} = \frac{MSD_i}{MSF_i} : \frac{MSD_{i-n}}{MSF_{i-n}}$	$MSF_i$ – ҳисобот даврида маҳсулот сотишдан олиган соғ фойда ҳажми; $MSF_{i-n}$ – базис даврда маҳсулот сотишдан олинган соғ фойда ҳажми
Агрокластер фаолиятининг рентабеллик коэффициенти	$K_{AFR} = \frac{MSF_i}{(X + S)_i} : \frac{MSF_{i-n}}{(X + S)_{i-n}}$	$(X + S)_i$ – ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари (субсидия ва имтиёзларни инобатга олган ҳолда); $(X + S)_{i-n}$ – базис даврда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари (субсидия ва имтиёзларни инобатга олган ҳолда);

Юқорида келтириб ўтилган агрокластер бошқаруви самарадорлигини ташкилиқ-ишлаб чиқариш ёндашуви асосида баҳолаш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш формулалари, жумладан, уларнинг тавсифлананиши 1-жадвалда келтириб ўтилган бўлиб, умумий натижалар ушбу беш кўрсаткичлар ўртача арифметигини ҳисоблашга асосланилади ва қуйидаги (2) формула асосида аниқланади.

$$S_{TCh} = \frac{K_{AFR} + K_{XR} + K_{IChM} + K_{TR} + K_{AFR}}{5} \quad (2)$$

Агрокластер бошқаруви самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиётининг кейинги таркибий кўрсаткичи сифатида ижтимоий-иктисодий самарадорлик кўрсаткичлари танлаб олинди. Бунда агрокластер таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектларида меҳнат унумдорлигининг ортиши ўрганилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, замонавий агрокластер фаолитида меҳнат унумдорлигини оширишда кадрлар салоҳияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда, замонавий менежмент назарияларида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ишлаб чиқариш жамоасидаги ижтимоий-психологик мухит, ижтимоий фаоллик, ҳодимларни рағбатлантириш каби кўрсаткичлар билан боғлиқлиги аниқланган.

## 2-жадвал

**Агрокластер фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий бошқаруви  
самарадорлигини баҳолаш<sup>1</sup>**

Кўрсаткич	Хисоблаш формуласи	Формула таркибий тузилиши тавсифи
Мехнат унумдорлигининг ўсиш коэффициенти	$K_{MU} = \frac{IChM_i}{IS_i} : \frac{IChM_{i-n}}{IS_{i-n}}$	$IChM_i$ – хисобот даврида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми; $IChM_{i-n}$ – базис даврдаги ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми; $IS_i$ – хисобот давридаги ўртача ишчилар сони $IS_{i-n}$ – базис даврдаги ўртача ишчилар сони
Ҳар бир ишчи жон бошига тўғри келадиган даромад ҳажмининг ўсиш коэффициенти	$K_D = \frac{MSD_i}{IS_i} : \frac{MSD_{i-n}}{IS_{i-n}}$	$MSD_i$ – хисобот даврида маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳажми; $MSD_{i-n}$ – Базис даврда маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳажми
Ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи даражасининг ўсиш коэффициенти	$K_{IH} = \frac{IH_i}{IH_{i-n}}$	$IH_i$ – хисобот давридаги ўртача иш ҳақи ҳажми; $IH_{i-n}$ – базис даврдаги ўртача иш ҳақи ҳажми
Персонални бошқариш бўғини фаолияти самарадорлиги	$K_{PBR} = \frac{IChM_i}{BH_i} : \frac{IChM_{i-n}}{BH_{i-n}}$	$BH_i$ – хисобот давридаги ўртача бошқарув ҳодимлари сони $BH_{i-n}$ – базис даврдаги ўртача ишчилар сони
Мехнат рентабеллигининг ўсиш коэффициенти	$K_{MR} = \frac{IChX_i}{BH_i} : \frac{IChX_{i-n}}{BH_{i-n}}$	$IChX_i$ – хисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми; $IChX_{i-n}$ – базис даврдаги маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми

Шу сабабли ушбу кўрсаткични баҳолаш натижалари аниқ бўлишини таъминлаш мақсадида ҳодимлар ўртасида сўровномалар ўтказиш ҳам талаб этилади. Умумий ҳолда агрокластер бошқарувининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қуидагилардан ташкил топади:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиш коэффициенти;
- ҳар бир ишчи жон бошига тўғри келадиган даромад ҳажмининг ўсиш коэффициенти;
- ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи даражасининг ўсиш коэффициенти;
- персонални бошқариш бўғини фаолияти самарадорлиги;
- меҳнат рентабеллигининг ўсиш коэффициенти.

Юқорида келтирилган агрокластер фаолиятини ижтимоий-иқтисодий бошқаруви самарадорлигининг таркибий кўрсаткичларини хисоблаш тенгламалари 2-жадвалда

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилган

келтириб ўтилган бўлиб, олинган натижалар асосида қуидаги (3) формула асосида ижтимоий-иктисодий самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади:

$$S_{IIBS} = \frac{K_{MU} + K_D + K_{IH} + K_{PBR} + K_{MR}}{5} \quad (3)$$

Кейинги таркибий кўрсаткич сифатида молиявий-инвестицион бошқарув самарадорлиги танлаб олинган. Агрокалстер фаолиятининг молиявий-инвестицион бошқаруви самарадорлиги капитал қўйилмалари, давлат томонидан ажратилган субсидия, дотация, ички ва ташқи инвестициялардан оқилона фойдаланишини таҳлил қилишда қўлланилади. Жумладан, агрокластернинг моддий-техник базасини мустахкалаш мақсадида замонавий, энергия сарфини тежовчи, инновацион ишлаб чиқариш техникаларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ёки инновацион харажатлар ҳисобига сотиб олиш харажатлари ҳам шулар жумласига киради. Агрокластер фаолиятининг молиявий-инвестицион бошқаруви самарадорлигининг таркибий кўрсаткичлари қаторига қуидагилар киради:

- инновацион харажатлар рентабеллигининг ўсиш коэффициенти;
- бир бирлик инвестиция ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш коэффициенти;
- бир бирлик инвестиция ҳисобига даромад ҳажмининг ўсиш коэффициенти;
- инвестицияларнинг (жумладан, давлат инвестициялари) ўсиш коэффициенти;
- илмий тадқиқот ва кадрлар салоҳиятини ошириш харажатларининг ўсиш коэффициенти.

Агрокластер молиявий-инвестицион бошқаруви самарадорлигини таркибий кўрсаткичлари З-жадвалда келтирилган формулалар асосида ҳисбланиб, қуидаги (4) тенглама асосида умумлаштирилган ҳолда баҳоланади:

$$S_{MIBS} = \frac{K_{IXR} + K_{IHMICh} + K_{IHDS} + K_I + K_{IKX}}{5} \quad (1.4)$$

### З-жадвал

#### Агрокластер молиявий-инвестицион бошқаруви самарадорлигини баҳолаш<sup>1</sup>

Кўрсаткич	Ҳисоблаш формуласи	Формула таркибий тузилиши тавсифи
Инновацион харажатлар рентабеллигининг ўсиш коэффициенти	$K_{IXR} = \frac{IX_i}{IX_{i-n}}$	$IX_i$ – ҳисбот давридаги инновацион харажатлар ҳажми; $IX_{i-n}$ – базис даврдаги инновацион харажатлар ҳажми
Бир бирлик инвестиция ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш коэффициенти	$K_{IHMICh} = \frac{IChM_i}{I_i} : \frac{IChM_{i-n}}{I_{i-n}}$	$IChM_i$ – ҳисбот даврида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми; $IChM_{i-n}$ – базис даврдаги ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми; $I_i$ – ҳисбот даврида жалб этилган ялпи инвестициялар ҳажми $I_{i-n}$ – базис даврда жалб этилган ялпи инвестициялар ҳажми
Бир бирлик инвестиция ҳисобига даромад	$K_{IHDS} = \frac{MSD_i}{I_i} : \frac{MSD_{i-n}}{I_{i-n}}$	$MSD_i$ – ҳисбот даврида маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳажми;

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилган

ҳажмининг ўсиш коэффициенти		$MSD_{i-n}$ – Базис даврда маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳажми
Инвестицияларнинг (жумладан, давлат инвестициялари) ўсиш коэффициенти;	$K_I = \frac{I_i}{I_{i-n}}$	$I_i$ – хисобот даврида жалб этилган ялпи инвестициялар ҳажми $I_{i-n}$ – базис даврда жалб этилган ялпи инвестициялар ҳажми
Илмий тадқиқот ва кадрлар салоҳиятини ошириш харажатларининг ўсиш коэффициенти	$K_{IKX} = \frac{IKX_i}{IKX_{i-n}}$	$IKX_i$ – хисобот даврида ишчилар малакасини ошириш ва илмий тадқиқот ишларига йўналтирилган жами харажатлар; $IKX_{i-n}$ – базис даврда ишчилар малакасини ошириш ва илмий тадқиқот ишларига йўналтирилган жами харажатлар

Табиий-экологик самарадорлик ёндашуви асосида агрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳоланиши аграр соҳада ҳар қандай хўжалик фаолияти юритиш табиий-экологик шарт-шароитлар билан бевосита боғланганлиги билан изоҳланади. Агрокластер бошқарувининг табиий-экологик бошқаруви самарадорлиги таркибига табиий ресурслардан фойдаланиш ва экологик самарадорлик коэффициентлари киритилиб, улар 4-жадвалда келтирилган тартибда ҳисобланади.

Агрокластер бошқарувининг табиий-экологик бошқаруви самарадорлиги кўрсаткичи бўйича умумлашган хуносалар қўйидаги (5) формула асосида шакллантирилади:

$$S_{TES} = \frac{K_{TRF} + K_{EKS}}{2} \quad (5)$$

Таклиф этилаётган агрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг ташкилий-ишлаб чиқариш, ижтимоий-иктисодий, молиявий-инвестицион ва табиий-экологик самарадорлик кўрсаткичларидан ташкил топган баҳолаш натижалари қўйидаги (6) формула асосида умумлаштирилади:

$$S_{ABS} = \frac{S_{TICH} + S_{UBS} + S_{MIBS} + S_{TES}}{4} \quad (6)$$

#### 4-жадвал

#### Агрокластер бошқарувининг табиий-экологик самарадорлигини баҳолаш<sup>1</sup>

Кўрсаткич	Хисоблаш формуласи	Формула таркибий тузилиши тавсифи
Табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти	$K_{TRF} = \frac{TRF_i}{TRF_{i-n}}$	$TRF_i$ – хисобот даврида фойдаланилган табиий ресурслар ҳажми; $TRF_{i-n}$ – базис даврда фойдаланилган табиий ресурслар ҳажми
Экологик самарадорлик коэффициенти	$K_{EKS} = \frac{EZ_i}{I_i} : \frac{EZ_{i-n}}{I_{i-n}}$	$EZ_i$ – хисобот давридаги экологик зарар ҳажми; $EZ_{i-n}$ – базис даврдаги экологик зарар ҳажми;

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган

		$I_i$ – ҳисобот даврида жалб этилган ялпи инвестициялар ҳажми $I_{i-n}$ – базис даврда жалб этилган ялпи инвестициялар ҳажми
--	--	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Юқорида келтириб ўтилган (6) формула асосида олингаан натижалар 1,0 дан катта ёки кичиклик даражасига кўра, қуйидаги тартибда гурухларга ажратилади:

- агарда  $S_{ABS} < 1$  бўлса, агрокластер бошқаруви самарадорлиги қониқарсиз даражада;
- агарда  $S_{ABS} = 1$  бўлса, агрокластер бошқаруви самарадорлиги қониқарли даражада;
- агарда  $S_{ABS} > 1$  бўлса, агрокластер бошқаруви самарали деб баҳоланади.

### Хулоса

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда агрокластерли бошқарувнинг ривожланишига оид илмий-назарий қарашларни таҳлил қилиш асосида унинг намоён бўлишига хос бўлган қуйидаги хусусиятлар мавжудлиги аниқланди:

- агрокластер таркибига кирган корхона ва ташкилотларнинг географик жиҳатдан бир худудда жойлашиши;
- маълум бир турдаги маҳсулотни яратиш бўйича тармоқлараро интеграцион муносабатларнинг кучайиши;
- махаллийлаштириш дастурлари самарадорлигини ошириш;
- агрокластер томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлиқ кўрсаткичларининг яхшиланиши;
- бошқарув қарорларини қабул қилишда агрокластер таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар манфаатларининг бирдек кўзланиши;
- агрокластер ташкил этилган соҳанинг инновацион фаоллиги даражасининг кескин ортиши;
- агрокластерларнинг капитализациялашув даражасининг юқорилиги;
- молиявий имкониятларнинг кенглиги;
- халқаро бозорларга чиқиш, жумладан, янги бозорларга кириб бориш имкониятининг ортиши ва ҳ.к.

Иқтисодий адабиётда агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришга қаратилган илмий-назарий қарашларни таҳлил қилиш асосида унга муаллифлик тарифи ишлаб чиқилди. Фикримизча, агрокластерлар – замонавий иқтисодий муносабатлар шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги ҳом ашё базаси ҳисобланган саноат тармоқлари, илмий тадқиқот институтлари, молиявий ташкилотлар, давлат бошқарув органлари, жамоатчилик ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларига хизмат кўрсатувчи корхоналар, махаллий ва хорижий инвесторлар ўртасидаги интеграцион муносабатларга асосланган маълум бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича турли корхона ва ташкилотлар мажмуасидан ташкил топган худудий бирлашган хўжалик юритиш шакли ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини агрокластерли бошқарув эса унга аъзо бўлган таркибий корхоналарнинг умумий манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда хўжалик фаолияти юритиш бўйича қарорларни қабул қилинишида ўз аксини топади. Шу билан биргаликда, агрокластерли бошқарув қишлоқ хўжалигида инновацион фаоллик даражасини ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Таклиф этилаётган агрокластер бошқаруви самарадорлигини ташкилий-ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий, молиявий-инвестицион ва табиий-экологик самарадорлик кўрсаткичларидан ташкил топган баҳолаш услубиёти қуйидаги хусусиятлари билан ажralиб туради:

- бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун зарур бўладиган маълумотларни топиш осонлиги;
- ҳисоблаш амалиётининг содда ва тушунарли тартибда тузилганлиги;
- агрокластер фаолияти билан боғлиқ бўлган барча соҳаларни тўлиқ қамраб олинганлиги;
- нафақат мамлакатимиз, балки бошқа мамлакатлар амалиётида ҳам қўллаш имкониятининг мавжудлиги.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда агрокластерли ёндашувга асосланган бошқарув амалиётига ўтиш миллий ва глобал даражада иқтисодий муносабатларнинг тобора мураккаблашиб бориши шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳиятидан самарали файланиш учун замин яратади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. А.В.Земцов. Оценка эффективности инвестиционного проекта / А.В.Земцов // Банковское кредитование. – 2008. – № 6. – С. 84-98.
2. В.В.Моисеев. Оценка инвестиционных процессов в отраслях АПК [Электронный ресурс] / В. В. Моисеев, А.В.Моисеев, М.А.Оスマловская //Научный журнал КубГАУ. – 2015. – № 111(07). – Режим доступа:<http://ej.kubagro.ru/2015/07/pdf/85.pdf>.
3. Чернышев В.Ю. Методические подходы к оценке эффективности управления предприятием // ЭКОНОМИНФО. 2010. № 13. с. 44-48
4. Виленский, П. Л. Оценка эффективности инвестиционных проектов: теория и практика / П. Л. Виленский, С. А. Смоляк, В. Н. Лившиц. – М.: Дело, 2008. – 1104-с.
5. Басовский, Л. Е. Экономическая оценка инвестиций / Л. Е. Басовский, Е. Н. Басовская. – М.: ИНФРА-М, 2007. – 241-с.; Критерии и показатели технико-экономической эффективности инвестиционных проектов [Электронный ресурс]. – Режим доступа:[http://edu.dvgups.ru/metdoc/ekmen/etr/ek\\_tr/metod/gusarov/frame/1\\_1.htm](http://edu.dvgups.ru/metdoc/ekmen/etr/ek_tr/metod/gusarov/frame/1_1.htm)
6. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов / Министерство экономики РФ, Министерство финансов РФ, Госкомпром РФ ; рук. авт. кол. : Коссов В. В., Лившиц В. Н., Шахназаров А.Г. – М.: НПО; Экономика, 2000. – 421-с.
7. Руководство по оценке эффективности инвестиций. – М.: Интерэкспресс; ЮНИДО (UNIDO), 1998. – 197-с.; Шарп, У. Инвестиции / У. Шарп, Г. Александр, Дж. Бели. – М.:Инфра-М, 2001. – 1028-с.
8. Delgado M., Michael E. Porter and Stern S. Clusters and Entrepreneurship. Journal of Economic Geography, 2010. Vol. 10, Issue 4. pp. 495-518
9. Laur I., Klofsten M. and Beinkowska D. Catching Regional Development Dreams: A Study of Cluster Initiatives as intermediaries // European Planning Studies: Taylor & Francis (Routledge) – 2012. - № 20 (11). – 22 p. URL: <https://www.diva-portal.org/smash/get/diva2:545594/FULLTEXT01.pdf>
10. Туменова С.А., Расумов В.Ш. Модели развития интеллектуального капитала в региональном инновационном кластере // Экономика и предпринимательство – 2022. – № 5. – с. 391-394
11. Abdulloev A.J.Priority Directions of Development of Cooperative Relations in Agriculture Journal of Ethics and Diversity in International Communication JEDIC e-ISSN: 2792-4017 Volume: 2 Issue: 3 Б.25-28 , 2022
12. Абдуллоев А.Ж.,Қобилов Ж. Қишлоқ хўжалигини кластерлаштиришнинг хорижий тажрибаси. Агроиктисодиёт илмий-амалий журнал.- Тошкент, 2023.№ 1- Б.13-14.